



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 20-fevral • Shanba • 22 (30.142) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 февраль куни Оқсаройда АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Ричард Холбрукни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз Афғонистонда мустақам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш ишида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари самарали асосларда янада ривожланишининг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистонга электр энергияси ва озик-овқат таъминотида, транспорт коммуникациялари барпо этиш борасида амалий ёрдам кўрсатиб, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишида иштирок этмоқда. Жумладан, 2010 йилдан Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажми бир неча баробар оширилди. Ўзбекистонлик мутахассислар Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлини қурмоқда. Мам-

лакатимиз ҳудуди орқали Афғонистонга катта миқдорда гуманитар юк етказиб берилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ричард Холбрук самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади. АҚШ махсус вакили Афғонистон можаросини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг позицияси муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Ватан ҳимояси — олий шараф



0 ни 9 га, 1 ни 8 га айлантириш усули



Малакали кадрлар маскани



Фаразгўй



ЎзХДП ҳаёти

Билим — куч, куч эса билимдадир

Тошкент автомобиль йўллар касб-ҳунар коллежида ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Баркамол авлод — юрт келажаги» мавзусига бағишланди. Унда партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, талабалар ва ўқитувчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

2-бет >>>

«Ёруғ юз билан қайтинглар!»

Шу кунларда муддатли ҳарбий хизматга қақрилувчиларни тантанали кузатиш маросимлари ўтказилляпти. Ана шундай тадбирлардан бири Наманган Олимпия захиралари спорт коллежида бўлди. Ҳақиқий шодиёнага айланган маросимда жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этишди.



3-бет >>>

✓ 2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал кўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади.

Машҳурлар маҳалласи

Одамийлик илми

...Самарқанддан ноҳуш хабар келади. Яхё Фуломов дарҳол қадим шаҳарга учади. Лойиҳа бўйича Тошкент — Самарқанд йўли Афросиёбнинг қоқ ўртасидан ўтиши кўзда тутилиб, бу ерда қудратли бульдозерлар ишлаётган эди.

— Вайронгарчиликни тўхтатиб, — академик тракторлардан бирининг олдида кўкрак кериб чиқади...

Худди шу дақиқаларда Самарқандда катта анжуман тантаналари бошланган эди.

Яхё Фуломов фойеда республика раҳбарини тўхтатиб мурожаат қилади:

— Сиз анжумани тугатгунча Афросиёбдан асар ҳам қолмайди. Агар шундай бўлса, тарих сизни кечирмайди...



2-бет >>>

1 САВОЛГА ЖАВОБ

— Бугунинг депутати қандай бўлиши керак, ундан нималар талаб этилмоқда?



Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

— Депутат халқимизнинг юксак ишончига сазовор бўлган кишидир. Демак, сайловчиларимиз олдида қарздоримиз, зиммамизда катта масъулият турибди. Биздан шуни чуқур англаш ва ишончни оқлаш талаб этилади.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш даври келганини алоҳида таъкидлади.

Бунга эришиш учун электорат билан ишлашнинг замонавий усул ва технологияларидан фойдаланиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини талаб даражасига кўтариш, тинимсиз изланиш лозим.

Биз депутатлар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни, оддий қилиб айтганда, ҳаётни, одамлар турмушини доимий равишда ўрганиб, таҳлил этиб, хулосалар чиқариб бормоғимиз зарур. Ана шунда қонун яратиш жараёнида аниқ таклифларга эга бўламиз.

Гўзаллик ва нафосат байрами

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати якунланди



4-бет

Дунё буилаб



Лондон	6°C
Париж	7°C
Москва	-19°C
Мадрид	12°C
Пекин	9°C
Гонгконг	6°C
Рим	13°C
Анқара	15°C
Токио	8°C
Стокгольм	-17°C
Кейптаун	28°C
Қоҳира	21°C
Гавана	16°C
Вашингтон	7°C
Нью Йорк	6°C

20 февраль об-ҳавоси



Юртимизда

Тошкент	10°C
Самарқанд	9°C
Нукус	6°C
Қарши	12°C
Урганч	5°C
Навоий	12°C
Фарғона	9°C
Бухоро	11°C
Анджон	9°C
Наманган	9°C
Термиз	15°C
Жиззах	9°C
Сирдарё	9°C
Тошкент ил.	9°C

O'zbekiston havo yo'lini



Билим — куч, куч эса билимдадир



Абдвоси ХАЙДАРОВ олган сурат.

— Мамлакатимизда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича барча ҳуқуқий асослар мустақамланган, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мухтасар Абдурахмонов. — Жумладан, партияимиз дастуридан соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳисса қўшиш, ёшларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш, олий ва ўрта махсус таълим мусассалари битирувчиларининг ўз мутахассисликларини бўйича бандлигини таъминлаш масалалари алоҳида ўрин олган. Бу вазифалар партия фаоллари, депутатлари томонидан амалга оширилмоқда.

— Бугун партияимиз «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти масъулияти янада ортди, — дейди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Чунки

уларнинг фаолияти айнан ёшлар масалалари билан боғлиқ. «Фаол аёллар» қаноти «Соғлом она — соғлом бола» дастурини босқичма-босқич амалга оширишда иштирок этади. «Истиқбол» ёшлар қаноти эса ёшлар иқтисоди ва салоҳиятини шакллантириш, ҳуқуқий, сиёсий билимларини мустақамлашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширмоқда.

— Ҳақлик эгаллашми, — Уқиб илм эгаллашми, — Биздан бу имкониятлардан фойдаланиб, мамлакатимиз иқтисодиёти, корхона ва мусассалари учун керакли кадрлар бўлиб етиштириш талаб этилади. Юртимизда келажак бизнинг маънавийатимиз, салоҳиятимиз даражасига боғлиқлигини ҳар бир тенгдошим чуқур ҳис этиб, ўз олдидки ва-

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

...Мен академик Яхё Фуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айти оладиган олим эди. Тарихчилар яхши билардилар, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган бўлади. Шўро даврида қатъат томлардагина пахта экимай қолган бир пайтда ана шундай тарихий тепаликларни ҳам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олаётганда бунга қарши чиққан олим Яхё Фуломов бўлганини мен яхши эслайман. Бу фазилати туйғайли тазйиқ кўрганни ҳам эшитганман. Лекин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

Президент Ислам КАРИМОВнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаридан.

ОДАМИЙЛИК ИЛМИ

...Самарқанддан ноҳус хабар келади. Яхё Фуломов дарҳол қадим шаҳарга учди. Лойиҳа бўйича Тошкент — Самарқанд йўли Афросиёбнинг қоқ ўртасидан ўтиши кўзда тутилиб, бу ерда қудратли бульдозерлар ишлаётган эди.

— Вайронагарчиликни тўхтатиб, — академик тракторлардан бирининг олдига кўкрак кериб чиқади... Худди шу дақиқаларда Самарқандда катта анжуман тантаналари бошланаётган эди.

Яхё Фуломов Ҳоразм воҳасида раҳбарини тўхтатиб мурожаат қилди:

— Сиз анжуманни ўтказгунча Афросиёбдан асар ҳам қолмайди. Агар шундай бўлса, тарих сизни кечирмайди...

Биринчи ўзбек археологи, Ватанимиз тарихи, этнографиясини ўрганишга самарали хисса қўшган жонқуяр қомусий олим, академик Яхё Фуломовнинг жасорати шу эдики, ўзи яшаб турган давр мустабид тузунинг миллий меросимизга шарафсиз муносабатига қарши бориб, қадримиз, қадриятларимизни улғулоч илмий изланишлар олиб берди. Унинг Ҳоразм воҳасида, Бухоро ва Фарғона водийсида, бутун республикамизда олиб борилган археологик тадқиқотлари ибтидоий даврдан бошлаб тарихимизни ўрганишга имкон яратадиган қimmatли маълумотларни берди. Яхё Фуломов илм-фанимиз ривожига улкан хисса қўшиш билан бирга миллий кадрлар, айниса, ўзбек археологияси учун билимли мутахассислар тайёрлашга бош-қош бўлди.

Унинг меҳнатлари мустақиллик йилларида ҳақиқий қадрини топди. Президентимиз фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

ЎзРФА археология институтига, пойтахтимиз кўчаларидан бирига Яхё Фуломов номи берилган.

Собира опангиз бир ўзи. Келинг, унга ошхона ишларида ёрдамлаша қолинг. Оилангизни моддий жиҳатдан қўллаб туримиз.

Бу тақлифдан боши кўкка етган Ксения шу кунгёк Фуломовлар хонадонини ошхонасида қўллана бошлайди. Кечки овқатга ширин таомлар тайёрлайди.

— Ксения қани? — дастурхон атрофига йиғилганларидан сўнг сўрайди академик.

— Ошхонада, дастурхонга тақлиф қилдим, бирга ўтиришга тортинди шекилли, — гапига кўндирилмаганидан рафиқасининг ҳам хижолатлиги сезилиб турарди.

Яхё Фуломов дарров Ксениyani чақиртиради. Ҳозирги шу оиланинг

рингга деб ширинлик, кийим-кечаклар харид қилиб беришди. Мен хайруну лол эдим — илм ургатсалар, буюкда яна шунча иззат-хурмат...

Кейин билимимиз, мен яшаган хона аспирант, шогирд ва талабалар учун махсус ажратилган, улар бу ерда ойлаб, йиллаб яшар эканлар. Камхаржроқ шогирдларига уйига бориб, бола-чақасини кўриб келиши учун пул ҳам бериб турарканлар.

Абдулла ога саксонни қоралаб қолди, 60 йилдан кўйи ёшларга таълим бериб келаяпти, ўзининг илмий ишлари билан фанимиз ривожига хисса қўшди, фарзандлари ҳам ақлли, зиёли, эл эътиборидики кишилар бўлиб етишди. Ога буларнинг ҳаммасини ўз ҳаёт йўлида учраган яхши одамлар, айниса, Яхё Фуломов билан боғлайди.

Устоздаги бу одамлилик аввало у туғилиб ўсган оиладаги муҳит натижаси эди. Эҳтимол унинг ўзи ҳаётнинг оғир синовларини кўп бор бошидан кечиргани учун ҳам одамлар тақдирига бефарқ қарай олмагандир.

Унинг акаси — Қўқонда раҳбар лавозимда ишлаётган зиёли инсон Одил Фуломов катоган кўрбони бўлди. «Халқ душмани»нинг укалари — олимлар Яхё Фуломов,



мий обидани айлиниб ўтади. Агар тили бўлса, яна ўнлаб обидалар ўзларини асраб қолишда жонқуярлик қилгани учун Яхё Фуломовга ҳамду сано ўқирди. Худди катта-кичик давраларда қариндошлар, маҳалладошлар, шогирдлар одамии одам — Яхё Фуломовнинг хислатларини меҳр билан хотирлагани каби.

— Отанинг асосий умри экспедицияларда ўтган бўлса ҳам, меҳрларидан бенасиб ўсмаганми, — ҳикоя қилади олимнинг қизи, тиббиёт фанлари номзоди Сакина Фуломова. — Эсимда, бир сафар бетоб бўлиб, қаттиқ иситмадан кейин кўзимни очиб, отанинг бошимда йиллаб ўтирганини кўрганман. Отам бизга атрофдагиларга меҳр кўзи билан қарашни ўргатган. Узининг қалбидаги меҳрининг эса чеки-чағаси йўқ эди, ҳаммага етарди бу меҳр. Айниса, қариндошчилик ришталарини ҳурмат қилар, бу муносабатларнинг мустақамлашуни учун шароит яратиб юрарди.

— Бобом ўрнатиб кетган анъаналар ҳозир ҳам оиламизда давом этапти. Улар кичкина болани ҳам сизлаб гапирар, байрамларда кексалар ҳолидан бир-бир хабар олар, янги йил арафаси ва ҳайит кунлари яқинларимиз оиласидаги ҳар бир бола учун ўз кўнлари билан алоҳида совға тайёрлаб, қўтичаларга солиб, тарқатиб чиқардилар, — эслайди набираси, иккисиз фанлари номзоди, Олий ҳарбий божхона институтини раҳбарининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Саидовил Фуломов.

Болалигимда бобом айтган эрталарни эшитмасдан ухلامасдим. Бу эрталарда доим яхшилик ёмонлик устидан галаба қозонарди. Бобомнинг овозлари, эртақ қахрамонлари юрагимга ўчмас бўлиб ёзилган қолган.

— Узим ҳам набираларимга эрталарни эшитишга уриниб кўрдим, — дейди кулиб у. — Аммо, улар меннинг эрталардан кўра компютер ўйинларини афзал қўришди. Балким, мен яхши эрталарни эмасдирман.

— Биз маҳалламизда улғаяётган фарзандларимизга Яхё Фуломов сингари улғу инсонларнинг ҳаёт йўлини ўрнак қилиб кўрсатамиз. Бу одамнинг камтарлиги, фидойилиги, кўни-қўшига бўлган самимий муносабатини барчамиз ўрганишимиз керак, — дейди Кох ота маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Мирзаахмедов.

Яхё Фуломовнинг якка-ўлғиз қизи Сакина ола ҳозир пенсияда, набиралар тарбияси билан банд.

У ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаганини таъкидлайди. Отасидан меҳр кўрган одамларнинг бири уни опа деса, бири синглим дейди.

Отасини сўнгги манзилга кузатишда ҳам унинг кўзи бошидан «отам»лаб йиллаб келдилар...

...Бир улғу инсоннинг эзгу амаллари ҳақида батафсил ҳикоя қилишнинг улдасидан чиқолмади, бу амалларнинг чеки, чағараси йўқ...

Бу инсоннинг ҳаёт йўлига бир назар солиб эзгуликка улғуриш учун хоҳиш кўп бўлиши керакми, вақтни, деган савол ҳам тўғри эмаслигини аңгладик. Энг аввало, меҳр тўла юрак бўлиши керак экан одамда.

Келинг, ўзимиз ҳақимизда ўзимизга савол бериб, унинг жавобини излайлик.

Киммиз — вазирми, олимми, ҳунармандми, тижоратчимми?

Узимиздан ортиб, беминнат, беғараз, ҳатто, «савоб иш қиляпман, Аллоҳим бунинг ажрини беради» деган ўйни ҳам бир чеккага суриб, кимнингдир бошини силаб, меҳр кўргиздикми?

Кимдандир одаммийлик илмини ўргандикми?

Кимдандир одаммийлик илминингизга боқинг — Сиз суянадиган одамлар кўп. Илминингиз бўлса, аввало бошқаларни Сиз суянг...

Шарофат Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Абдвоси ХАЙДАРОВ
олган сурат.

Бу мақолани ижтимоий таъминот идораларининг фирром ходимлари ўқимасин!

0 ни 9 га, 1 ни 8 га айлантириш усули

ёки нафақа тайинлаш «операция»си



қўшиб ҳисоблайди-қўяди... Н.Мирзаевнинг 20 йиллик иш стажига 5 йил, Ю.Абдуллаевнинг 25 йиллик стажини 31 йилга қўйиштириб, «мурувват» кўрсатади.

Мурракб «амаллар»ни бажариш бўйича Тўраҳон Исоқовнинг «тажрибаси» тақомиллашиб бораверади. У 3.Товобовага 1977 йилда тўланган 1099 сўм иш ҳақини «1999 сўм» қилиб ўзгартирди. 1978 йилда берилган 883 сўмни бирпасда «1883»га айлантирди. 1979 йилдаги «711» сони «1711» бўлиб қолгани янада ҳайратланарлидир. 1980 йилда тўланган 904 сўм тагин минг сўмга ортган бўлса, 1981 йилда берилган 393 сўм «1893», 1982 йилги «449» «1449» қилиб кўрсатилди. Нол сонидан тўхтис «яса-са», бирга «белбоғ» боғлаб, саккизини «бун-ёд этди».

«Қаҳрамонимиз»нинг кўпдан-кўп қинғир ишларидан яна айрим мисоллар: 1980-1984 йилларда Б.Одинаевага иш ҳақи тўланмаган бўлса-да, Тўраҳон Исоқовнинг «шарофати» билан унга нафақа тайинланади. Н.Тошмуродова, 3.Фуломова, Б.Фуломов, М.Бердиев, Н.Давлатов, 3.Гулмазова ва бошқалар оайлик маошлари тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат тақдим этишмаган бўлса-да, улар учун сохта оайлик маошлар белгиланади.

Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ходимлари текшириш ўтказганда Тўраҳон Исоқовнинг сирлари ошкор бўлди. У 2007-2008 йилларда пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни тайинлаш ва қайта ҳисоблаш ҳамда уларнинг тўланиши бўйича 29 ҳолатда қонунчи бузган ва давлат бюджетига қариб 13,5 миллион сўм зиён етказган...

Қинғир иш таъшиш келтириши муқаррар. Сохтакорлик, ҳужжатларни қалбақлаштириш билан давлат маблағини талон-торож қилган бўлиши боғлиғи жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг ўтган йил январдаги ҳукми билан айбдор, деб топилди ва ўз қилмишлари учун жавоб берди. Давлатга етказилган зарарни қоплашига тўғри келди. Бунинг устига суд ҳукми билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шу муддатда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилиб, оайлик иш ҳақидан 30 фоизга давлат ҳисобига ундирилди билди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Яхё Фуломовнинг қизи Сакинаҳоним фарзандлари Саидовил ва Санжар билан.

бир аъзоси сифатида тутиши, жумладан, бир дастурхонда ўтириб овқатланиши шартлигини уқтиради.

Тошкентдаги акасини қора тортиб келиб, яқинларининг уни хушламай қўтиб олганидан кўнгли вайрон бўлган украиналик етим қиз Аняга Фуломовлар хонадонига боришни маслаҳат беришди. Кейинчалик Анечага юртидан сингисини ҳам чақиртиришга рухсат сўрайди. Ўсмир ёшига етиб ўзларини эплагудек бўлгандан кейингина қизлар қайтиб кетишди. Узоқ йиллар давомида Украинадан «Сизларни жуда соғиндим» деган сўзлар билан бошланувчи мактублар келиб туради.

Урганг давлат университети профессори, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибига, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Абдулла Сатликов хотирлайди.

Саидахмад Фуломов ишдан, кенжа ука Саидақрам Фуломов талабаларидан ҳайдалади.

Шаҳсан Сталинга хат ёзиб, уларни ишга тиклаш ҳақида жавоб келгунча, уч-тўрт йил давомида Яхё Фуломов ўзга ном остида илмий мақолалар ёзиб, шундан келган қалам ҳақиқа ўзининг, ака-укаларининг оиласини боқайди...

Академик ўз умри давомида юзлаб мақолалар ёзган. Ушбу мақолаларнинг нафақат илмий даражада, жиянлар ҳам орзиқиб қуттишарди.

Қайин укасининг аёли вафот этиб, уч кизнинг кўнгли кемтик бўлиб қолди. Академик бу кизларга бутун меҳрини берди. Қалам ҳақини ана шу кизлар наватма-навбат олишарди. Ҳаётда ўз ўринларини топган ўша кизлар, бугунги онахонлар, дуоларида уни тилдан кўймайдилар.

— Почтамизи етимларнинг бошини силаганлар, — шу гапни айтган экан Васила она ўзини йиғидан тўхта олмайди. Етимлик кунлари, кўрган яхшиликларини бир-бир эслайди.

Кўнглингизда беихтиёр шундай банд олим, арбоб савоб ишлар учун қандай вақт толган экан деган савол уйғонади.

Зеро, умрини Ватан тарихини ўрганиш, археологияни ривожлантиришга бахш этган етук олим худди шу тарихни асраш йўлида фидойилик кўрсатган, кимлардир билан курашишга, қаттиқ зарбаларга учрашига тўғри келган.

Афросиёб воқеаси масжид, мадрасалар, қадимий қалъалар оմборхоналарга айлантирилган, бебаҳо миллий ёдгорликлар вайрон қилинган яқин ўтмишдаги оддий манзаралардан бири эди. Ушунда Афросиёбдаги ишларни тўхтатиш ҳақида кўрсатма берилди. Кейинчалик, лойиҳага ўзгартиш киритилиб, йўл қади-

«Ёруғ юз билан қайтинглар!»



— Бир неча йил бурун мен ҳам сиз каби мударатли ҳарбий хизматга қақирилган эдим, — деди

маросимда сўзга чиққан Абборжон Маматов. — Бир йиллик хизматни ўтаб, бурчимни бажариб,

ёруғ юз билан яқинларим бағрига қайтдим. Ҳарбий хизматни ўтаганим учун берилган имтиёзга асосан, Наманган давлат университетига ҳужжат топширдим. Ҳозир 3-курс талабасиман. Сизларга ҳам омад тилайман.
— Эр йигит ҳарбий хизматда синалади, — деди ота-оналар номидан сўз олган Баҳодир Турдиев. — Ҳарбий хизмат сабоғи сизларга бир умр асқотади.
Маросимда сўзга чиққан кишилар бўлажак ҳарбийларга Ватан тинчлигини, осмонимиз мусофалигини таъминлашда шарафли хизматда муваффақият тилашди.



Ҳотам Мамадалиев (ЎЗА) олган суратлар.

Мўсафид отахон муносиб ўтаб, ёруғ юз билан қайтинглар!
Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Баркамол авлод орзуси

Малакали кадрлар маскани

Самарқанд шаҳридаги Боғшамол саноат касб-ҳунар коллежи фаолияти ҳақида

— Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши биз ўқитувчи-мураббийлар зиммасига янада катта масъулият юкляб, ўз тажрибаларимизни оширишга ва таълим бериш жараёнига янгича ёндашишга ундамоқда, — дейди коллеж дирек-

тори Алишер Булдаков.
— Таълим масканимизда 484 нафар йигит-қизга қирқ бир нафар ўз касбининг фидойилари бўлган ўқитувчи 8 йўналиш бўйича касб ўргатмоқда. Компьютер ва компьютер тармоқларини монтаж қилиш, сошлаш ва ишлатиш, транспортларда ташиш ва бош-

қаришни ташкил этиш, транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, саноат корхоналари ва машинасозлик технологияси, пайванд конструкциялар ишлаб чиқариш, тикув ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси, электр тармоқлари ва электр жиҳозларини монтаж

қилиш, ишлатиш ва сошлаш, бухгалтерия ҳисоблари каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаямиз.

Мамлакатимизда ахборот технологияси ҳамда саноат соҳасидаги турли хил техникаларнинг кундан-кунга ривожланиб бораётгани боис, шу соҳанинг бўлажак мутахассислари пухта билимга, қолаверса, уларнинг қандай қилиб ишлатиш тўғрисидаги тажрибага ҳам эга бўлишлари кераклигини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ўқувчиларимиз бўш вақтларида таълим масканидagi 26 та ҳар хил соҳага иқтисослашган ишлаб чиқариш ва фан тўғралаклариди назарий билимларини амалиётда синаб кўришади. Шунингдек, вилоятдаги «Самарқанд кимё» очик акциядорлик жамияти, Лифтсозлик заводи ҳамда 2522-сонли автокорхона сингари йирик корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташди. Келажакда эса битирувчиларнинг аксарияти мазкур ташкилотларда ўз иш фаолиятларини давом эттиришади.

Бундан ташқари, коллежимизда махсус устахона; жами 37605 та ўқув қўлланма, дарслик ва бадий адабиётларни ўз ичига олган ахборот-ресурс маркази ҳамда 4800 дан ортиқ ҳар хил ўқув адабиётлари билан таъминланган кутубхона талабалар касб-маҳорати ва интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Яратилган имкониятлар, ўқитувчиларимизнинг фидойи меҳнати ўз самарасини бермоқда. Ўқувчиларимиз сўнгги йилларда республика ва вилоят миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловлар ҳамда фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ



Матбуот анжумани

Пойтахтимиздаги Интерконтинентал меҳмонхонасида дунёга машҳур халқаро VISA компанияси ва «Ўзсаноат-қурилишбанк»и вакилларининг ҳамкорликдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Халқаро VISA компанияси Ўзбекистонда

Унда халқаро VISA компанияси ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳамкорлигида Uz NNSS деб номланган мамлакатлараро ҳисоб тизими жорий этилаётганлиги ҳақида маълумотлар берилди. Бу тизим орқали Ўзбекистон банклари мамлакат миқёсидаги ҳисоб-китобларини миллий валютадаги VISA картчалари орқали амалга оширишлари мумкинлиги тўғрисида фикр билдирилди. VISA глобал тизим бўлиб, у дунёнинг 200 дан зиёд мамлакатларидаги 16200 та молиявий институтни бирлаштирган. Улар қаторида «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам VISA компаниясининг юртимиздаги маркази сифатида ҳамкорликни янада кенгайтирмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимиз аҳолисига янада қулайлик яратиш мақсадида халқаро VISA компанияси ва «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳамкорлигида футбол бўйича 2010 йилги Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида йўлланма берувчи промо-акция лойиҳасини ўтказиш режалаштирди. Бу акцияда барча VISA пластик картчалари эгалари иштирок этиши мумкин.

Матбуот анжуманида халқаро VISA компанияси вакиллари, «Ўзсаноатқурилишбанк» мутасаддилари ва ОАВлари вакиллари иштирок этди.

(Ўз муҳбиримиз)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Педагогика ва психология кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин (0,5 ставка).
2. Мумтоз филология кафедраси: доцент — 1 ўрин.
3. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси: доцент — 1 ўрин.
4. Ғарбий Европа тиллари кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
5. Араб филологияси кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
6. Роман тиллари кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
7. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
8. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёт кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
9. Математика ва информатика кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
10. Немис тили кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
11. Инглиз тили кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.

ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати. 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз (собик Лоҳутий) қўчаси, 25. Тел: 233-45-21, 233-44-36.

Ўндан ортиқ корчалон таширфи тақиқланди

Польша маъмурияти ўндан ортиқ Беларусь корчалонларининг Польшага таширфини тақиқлади. Беларусдаги норасмий поляклар жамоаси билан Беларусь маъмурияти ўртасида юзага келган зиддиятлар бунга сабаб бўлди, дея хабар беради «Хартия-97».



Ғап шундаки, Беларусдаги поляклар уюшмаси биноси билан боғлиқ можаролар анчадан бери давом этмоқда. Яъни, Беларусдаги поляклар маданият-маърифат марказини ўзида бирлаштирган бу уюшма 1990 йилда ташкил топган бўлса, 2005 йилга келиб, уюшмада ички келишмовчилик юз берди ва жамоа икки хил фикрдаги иккита қутбга бўлиниб кетди. Унинг бир қисми Беларус маъмуриятига хайрихоҳ бўлса, бир қисми маъмурият ва рес-

публикадаги сиёсатга нисбатан мухолифатни танлади. Уюшманинг хайрихоҳ қисми мамлакат маъмурияти томонидан расмий тан олинди. Мухолиф фикрдаги қисми эса тан олинмагани учун норасмий жамоа сифатида қолди. Икки хил фикрдаги бу уюшма ўртасида бино талаш эди. Жорий йилнинг 9 февралда республика милицияси ва суд ҳодимлари норасмий жамоани бинодан ҳайдаб чиқарди. Табиийки, улар ёрдам сўраб

Польша маъмуриятига расмий мурожаат этди. Шу воқеа сабабли Польша — Беларусь муносабатларига совуқлик тушди. Беларуснинг Польшадаги элчиси Польша Ташқи ишлар вазирлигига қақирлиб, Беларусь ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳаракатидан ташвишга тушаётганини билдирди. Шу билан бирга, Польшанинг Беларусдаги элчиси маслаҳат учун икки кун мударатта Польшага қақириб олинди.

Гвинеянинг вақтинча ҳуқмрон ҳарбий хунтаси етакчиси, генерал Секуба Конате яқинда шакллантирилган ўтиш даври ҳуқумати таркибини тасдиқлади.

Ўтиш даври ҳуқумати

таркиби тасдиқланди



«BBC News» хабарига қараганда, 34 кишилик ушбу таркибга фуқаролик жамияти намояндаларидан ташқари ҳарбийлар ҳам киритилган.

Маълумки, шундоқ ҳам беқарор Гвинеяда сиёсий инқироз 2008 йилнинг декабридан кучайган. Яъни, 25 йил давомида мамлакатни бошқарган генерал Лансан Конте вафотидан сўнг ҳокимиятни капитан Муссо Дади Камера бошчилигидаги ҳарбийлар эгаллаб олди.

Хунта етакчиси президент сайловини жорий йилнинг январига белгилаган ва президентликка ўз номзодини қўймасликка қарор қилган эди. Бироқ кўп фурсат ўтмай бу қарорини ўзгартирди — президентликка номзодини қўядиган бўлди. Бу эса мухолифатни жунбушга келтирди. Утган йил 28 сентябрда мухолифат Гвинея пойтахти Конакрида кўпминг кишилик норозилик намойиши уюштирди. Намойишни тарқатиш учун эса хунта армияни ташлади. Натижада 150 дан ортиқ киши ҳаётдан қў юмди, мингдан ортиқ мухолифчи эса турли даражада тан жароҳати олди.

2009 йил декабрда Муссо Дади Камера жонига суиқасд уюштирилди. У бошидан оғир яралангани учун даволаш учун хорижга жўнатилди. Ҳарбий хунта бошқаруви эса генерал Секуба Конатега ўтди. У эса ҳуқуматни шакллантиришда мухолифатни ҳам иштирок этишга қақирди. Президент сайловини эса жорий йил июнга белгилади.

МАОЧИ-ЭКСТРЕМИСТЛАР ҳужум уюштирмоқда

Маочи-жангарилар Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий Бихар штатидаги қишлоқлардан бирига қуролли ҳужум уюштирди. Натижада 9 киши ҳаётдан қўз юмди, 12 киши тан жароҳати олди, улардан 5 нафарининг аҳволи оғир. Қишлоқнинг 10 га яқин фуқароси гаровга олинган, 25 та уйга ўт қўйилган, дея хабар беради Ҳиндистоннинг «NDTV» телеканали.



Маочилар бошлигининг баён қилишича, дейлади ИТАР-ТАСС ахборотида, ушбу ҳужумлар хинд хавфсизлик кучларининг маочиларга қарши олиб борган курашларига нисбатан зарбадир. Улар бундай қарши ҳужумларни яна давом эттиришни билдирди.

Мао Цзэдун гоғларга билан «қуролланган» бу сул экстремистлар ўз фаолиятини 40 йиллар аввал бошлаган ва бугунги кунда улар Ҳиндистоннинг 29 штатидан 20 тасидаги ўрмонларда яширинча фаолият олиб бормоқда. Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингхнинг таъкидлашича, маочилар бугунги кунда мамлакат ички хавфсизлигига жиддий хавф солаётган экстремистик гуруҳдир.

Мао Цзэдун гоғларга билан «қуролланган» бу сул экстремистлар ўз фаолиятини 40 йиллар аввал бошлаган ва бугунги кунда улар Ҳиндистоннинг 29 штатидан 20 тасидаги ўрмонларда яширинча фаолият олиб бормоқда. Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингхнинг таъкидлашича, маочилар бугунги кунда мамлакат ички хавфсизлигига жиддий хавф солаётган экстремистик гуруҳдир.

Мао Цзэдун гоғларга билан «қуролланган» бу сул экстремистлар ўз фаолиятини 40 йиллар аввал бошлаган ва бугунги кунда улар Ҳиндистоннинг 29 штатидан 20 тасидаги ўрмонларда яширинча фаолият олиб бормоқда. Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингхнинг таъкидлашича, маочилар бугунги кунда мамлакат ички хавфсизлигига жиддий хавф солаётган экстремистик гуруҳдир.



ВАКОЛАТ МУДДАТИ ТУГАГАЧ

музейлар комплексига бошчилик қилади

Украина президенти Виктор Юшченко мамлакатдаги барча музейларни ўзига бирлаштирувчи «Бадий хазина» музейлар мажмуаси кузатув кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Бу билан у ўзининг келгуси ҳаёти учун замин яратди.

Яъни, фармонга қўра, В. Юшченконинг президентлик ваколати муддати тугагач, кузатув кенгаши раиси унинг ўзи бўлади, дейлади «УНИАН» АА хабарига.

Ахборот агентлигининг яна бир хабаринда қайд этилишича, Украина Ташқи ишлар вазирлиги президент сайловининг иккинчи турида ғалабани кўлга киритган Виктор Януковичнинг президентлик лавозимини расмий қабул қилиш тантанали маросимига хорижий меҳмонларни тақлиф қилишни бошлади. Тақлифномалар барча элчихоналарга етказилмоқда.

В. Януковичнинг инаугурация маросими 25 февралга белгиланган.

